

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Давлат чегараси ва транспортда  
давлат ветеринария назорати  
бошқармаси харид комиссияси раиси**

**А. Жумаев**

**2022 йил**



**Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси  
балансидаги кондиционер ускуналарини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат  
кўрсатиш юзасидан  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

## МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш
- VI-боб. Наъмунавий ҳужжатлар шакли ва Шартнома лойихаси

## **I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома**

1.1. Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлашни ўтказиш шакли: танлаш иштирокчиларининг таклифлари ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловата мувофиқ) кўрсатилган танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

1.3. Давлат буюртмачиси: Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

1.4. Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларини 1-иловасида кўрсатилган техник хусусиятларига доир талабларга мос келувчи Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси балансидаги кондиционер ускуналарини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш.

1.5. Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: Жами суммаси 11 907 000 сўм. Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси балансидаги кондиционер ускуналарини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари 10 кун давомида амалга оширилади.

1.6. Молиялаштириш манбаи ва валютаси: буюртмачининг Ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисоб-варақларидаги маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси.

1.7. Тўлов шартлари шартнома кучга кирганидан сўнг, шартномадаги тўлов графигига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномага асосан тўлов амалга оширилади.

1.8. Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси биноси. Манзили: Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 21А-уй.

1.9. Буюртмачининг алоқа учун масъул шахси: Норқулов Хасан, тел.: 71 202 12 00. (ички 292) e-mail: [bux-vetcontrol@vetgov.uz](mailto:bux-vetcontrol@vetgov.uz).

1.10. Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг беш иш куни давомида <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали қабул қилинади.

1.11. Лотнинг бўлунувчанлиги: бўлинмайди.

1.12. Танлаш ҳужжатларидаги техник хатоликлар ва тушунмовчиликлар: Танлаш ҳужжатларидаги техник хатоликлар ва тушунмовчиликларга буюртмачининг масъул шахсига мурожаат қилиш орқали аниқлаштирилади.

**Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси  
балансидаги кондиционер ускуналарини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат  
кўрсатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисида  
ЭЪЛОН**

**Танлашни ўтказиш шакли:** Энг яхши таклифларни танлаш танлаш иштирокчиларининг таклифлари танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловата мувофиқ) кўрсатилган танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали очик тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси (бундан буён матнда - Буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмета:** Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси балансидаги кондиционер ускуналарини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари бўйича танлаш.

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti:** Жами суммаси 11 907 000 сўм. Шартнома имзоланганидан ва олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг 10 иш кунидан ошмаган муддатда.

**Молиялаштириш манбаи ва валютаси:** буюртмачининг газначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республкасининг миллий валютаси.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг, шартномадаги тўлов графигига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномага асосан тўлов амалга оширилади.

**Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:** Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси биноси. Манзили: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21<sup>А</sup>-уй.

**Буюртмачини алоқа учун масъул шахси:** Норкулов Хасан, тел.: 71 202 12 00. (ички 292) e-mail: [bux-vetcontrol@vetgov.uz](mailto:bux-vetcontrol@vetgov.uz).

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида энг яхши таклифни танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзилида белгиланган муддатларда топширилади.

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария  
назорати бошқармаси харид комиссиясига**

**АРИЗА**

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг нами кўрсатилади*) хизматларни амалга ошириш учун (*таклиф этилаётган хизмат турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ хизматларни амалга ошириш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамыз.

Шу муносабат билан танлаш <https://xarid.uzex.uz/> электрон манзили орқали қуйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Таклифининг техник қисми;
2. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиш талаб этилади*).

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.

М.Ў.

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария нazorати бошқармаси  
харид комиссиясига  
КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи кўрсатилади);

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- Буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги;

-Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

-Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

-Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;

-Тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Ташкилот муҳри билан тасдиқланган, коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги аризани тақдим этамиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.

М.Ў.

## **II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

2.1. Иштирокчилар қуйидаги шартларга жавоб берса танлашда иштирок этиши мумкин:

- шартнома тузиш ҳуқуқи;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарзларнинг йўқлиги;
- уларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар тўғрисида ёзувнинг йўқлиги.

Иштирокчи ариза шаклида ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзлари йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.

2.2.Иштирокилар учун бошқа шартлар амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ белгиланади.

### **III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби**

3.1. Энг яхши таклифларни танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин. Таклифлар давлат тилидан бошқа тилларда тақдим этилганида, таклифнинг ишончли равишда таржима қилинган давлат тилидаги таржимаси тақдим этилиши шарт.

3.2. Иштирокчиларни таклифи матн бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, давлат тилидаги матн устунликка эга бўлади.

3.3. Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини <https://xarid.uzex.uz/> порталига жойлаштирилган эълон орқали топшириши керак.

Тўпلامда (техник қисмга оид таклифлари) бўлиши керак.

3.4. Иштирокчининг таклифи <https://xarid.uzex.uz/> манзили орқали электрон тарзда қабул қилинади.

3.5. Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Таклиф иккита қисмдан ташкил топади:

1) техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос бўлиши ва таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттириши керак;

2) танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ҳамда қўйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

- иш, хизмат тури;

- бажариладиган ишнинг, кўрсатиладиган хизматнинг нархи;

- жами қиймати;

- тўлов шартлари;

- таклифни амал қилиш муддати;

- қўшилган қиймат солиғи баҳоси ва ҳ.к.

Танлаш таклифи қўйидаги усулда расмийлаштирилади:

техник қисмга оид таклиф.

3.6. Танлаш таклифининг 5-иловадаги шаклга мувофиқ нархлар жадвали тақдим этилади.

3.7. Нархлар жадвали муҳр қўйилган ва рақамланган бўлиши керак.

3.8. Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари электрон тарзда жўнатилиши, сақланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.9. Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

3.10. Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кунни ташкил этиши керак.

3.11. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор харид



комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

#### **IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

4.1. Иштирокчиларни нарх қисмига оид таклифлари техник қисмга оид таклифлари техник хусусиятларига доир талаблар мос бўлган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирдагина кўриб чиқилади ва баҳоланади.

4.2. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қилади.

4.3. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

4.4. Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

4.5. Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати тижорат таклифи кўрилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

4.6. Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

4.7. Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

4.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

4.9. Иштирокчиларни таклифлари жўнатилган техник таклифларини кўриш жараёни буюртмачи томонидан электрон тарзда амалга оширилади.

4.10. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

4.11. Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

4.12. Биринчи босқичда иштирокчи таклифнинг техник қисми баҳоланади. Танлаш

таклифининг техник қисмини баҳолаш тўғрисида харид комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилиб, унда танлашнинг биринчи босқичини баҳолаш натижалари кўрсатилади.

4.13. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахасислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади.

4.14. Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди ва биринчи босқичдан ўтган иштирокчилар аниқланади.

4.15. Танлашнинг биринчи босқичидан ўтган иштирокчилар танлашнинг иккинчи босқичига кўйилади.

4.16. Иштирокчиларни техник қисмга оид таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 6-иловага мувофиқ баҳоланади.

4.17. Биринчи ва иккинчи босқич натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

4.18. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг макбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

4.19. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

4.20. Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

№-лот

**Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси  
харид комиссиясига  
ТАНЛАШНИНГ ТЕХНИК ТАКЛИФ**

Биз, қуйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиқлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва миқдорларда хизмат кўрсатишни амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган хизматни ўз муддатида амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

Ташкилот гувоҳномаси

Ташкилотнинг штат жадвалидаги техник мутахассислар ходимларнинг буйруқлари ҳақидаги маълумотномалар нусхалари

Муқадам танлаш предметига ўхшаш ишларни амалга оширганлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этиш.

---

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими) М.Ў..

Сана:" \_ "20

## ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

---

№-лот

Сана: (танлаш таклифи берилган сана кўрсатилади)

### **Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси харид комиссиясига**

Танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган тўлов жадвалида акс  
эттирилади.

- хизмат кўрсатиш шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш муддатлари- \_\_\_\_\_;

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб,  
30 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу  
танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат  
тугагунига қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси  
энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг  
энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши  
тушунамиз.

Сана: « \_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва имзоси

М.Ў.

**Баҳолаш мезонлари**

№	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси.	Мавжуд - 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	
2.	Иштирокчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот бўлиши, мижоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлмаганлиги, шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисидаги кафолат хати (ташкилот расмий бланкида).	Мавжуд - 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	Мажбурий: Танқидий
3.	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот.	Мавжуд — 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	
4.	Ташкилот муҳри билан тасдиқланган, коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги ариза.	Мавжуд - 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	Мажбурий: Танқидий
5.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.	Мавжуд — 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	Мажбурий: Танқидий
6.	Тегишли соҳада иш тажрибаси	Мавжуд - 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	Мажбурий: Афзал
7.	Танлов ҳужжатларида кўрсатилган техник талабларга мувофиқлиги юзасидан маълумот	Мавжуд - 10 балл, Мавжуд эмас -0 балл	Мажбурий: Афзал

## **V -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби**

5.1. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

5.2. Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

5.3. Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.